

**№ 3 сонли  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

20.10.2022

Андижон вилояти.

Кейинги уринда «Бош пудратчи» деб юритиладиган «**2-Кўприкқурилиш отряди**» УК номидан Устав асосида иш юрутувчи раҳбари **Турғунов Д.Т.** бир томондан ва кейинги уринларда «Ёрдамчи пудратчи» деб юритиладиган **«НЕФТЕГАЗ КАПИТАЛ МОНТАЖ КУРИЛИШ ТАЪМИР» МЧЖ** номидан Устав асосида иш юрутувчи директори **Қаюмов.С.Т.** иккинчи томондан, мазкур шартномани харид килиш буйича тендер комиссиясининг **ЛОТ №.162625** сонли байонномасига асосан қуидагилар хаҳида туздилар.

**I. ТАРИФЛАР**

1. Мазкур шартномада қўйдаги тарифлар қўлланилади
- 2.

**Ижро хужжатлари:** натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгартеришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар, оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

**Қурилиш майдони:** мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича бош пудратчи томонидан ёрдамчи пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қуилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қуилади:

**Вактингчалик ишлар:** ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган хар типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоатлар:

**Беркитилган ишлар:** ишни сифати ва якунланганлигини кейинги ишлар бажарилгандан сўнг аниқлаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**Шартнома нархини бўлиб чишиб:** ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

**II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

2.1 Ёрдамчи пудратчи мазкур тартибнома шартларига мувофик “**Андижон шаҳрида темир йўл устидан ўтувчи Бобуршох кўчасининг 2 та қисмий туташтирувчи йўл ўтказгич қурилиши**” обьекти худудида (**Янги бозор тараф**) сув ва оқава сув иншоатларини қўчириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, бош пудратчи эса ёрдамчи пудратчи бажарган ишларни қабул қилиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **III. ШАРТНОМА БҮЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ**

Мазкур шартнома буйича ёрдамчи пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати буйича соликлар, күшимча киймат солиғи, үйфимлар ва ажратмаларини уз зиммасига олган холда **2 468 160 008 (Икки миллиард тўрт юз олтмиш саккиз миллион бир юз олтмиш минг сиккиз )** сўмни ташкил этади.

3.1 Ишлар киймати узил кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкун эмас, куйдаги холлар бундан мустасно.

-Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб булганда:

-Ишлар хажми бош пудратчи томонидан ёзма равишда берилиб узгартирилганда:

-Ёрдамчи пудратчи ташкилот солиқ толовчи сифатида бошка солиқ турига ўтганда белгиланган нархга ўзгартириш киритилади:

### **IV ЁРДАЧИ ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.2 Мазкур тарнома буйича ёрдамчи пудратчи мазкур шартноманинг 2-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун куйдаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

-Барча ишларни объектни лойиха-смета хужжатларига мувофиқ шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда, узининг кучлари ва (ёки) жалб қилингандай кучлар билан бажариш хамда ишни бош пудратчига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш:

-Курилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, топшириш, омборга жойлаш ва сақлаш:

-Курилиш майдони худудида вақтингчалик иншоатлар қуриш:

-Суб пудратчилар билан шартномалар тузилиши шартнома мазмуни, суб пудрачининг номи ва манзили тўғрисида бош пудратчини ёзма равишда хабардор килиш:

-Уз.Р.ВМнинг 20.12.1999 йил N 532-сонли карорига асосан, қурилиш таваккалчиликларига Сугурта қилиш.

-Объектда конунчиликда белгиланган меҳнат ва хавсизлик техникасини таъминлаш:

-Курилиш майдонини кўриқлашни таъминлаш:

-Ёрдамчи пудратчи хисобот ойнинг 27-28 кунидан кечикмаган холда бош пудратчига хакикатда бажарилган ишлар хажми ва киймати буйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган хисобот хужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бундан хисобот хужжатларига бажарилган ишлар, кўлланилган қурилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошка керакли жужжатлар илова хилиниши:

-Курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга олдин, лойиха-смета хужжатлари буйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосуратларини бош пудратчига тақдим килиш:

-Объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тутатилгандан сўнг, бажарилган ишлар тасвирини курсатувчи фотосуратларини бош пудратчига таким қилиш:

-Ёрдамчи пудратчи, бош пудратчи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши буйича (талаб қилинган холларда) намунавий шаклдаги ахборотни бериб туриши:

-Ёрдамчи пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини бош пудратчининг ёзма рухсатисиз, суб пудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга эмас.

-Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва суб пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга топширилиши буйича бош пудратчи олдида тулик жавобгар хисобланади.

## V. БОШ ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур Шартномани бажариш учун бош пудратчи:

-Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб **3 (уч)** кун муддат ичиди, ишларни бажариш учун объект лойха-смета хужжатларини, яроқли булган курилиш майдонини курилиш обьектида тугалланганига қадар бўлган даврга, далолатнома билан ёрдамчи пудратчига бериши:

-Ишлар бажарилиши устидан доимий, архитектура қурилиш назорати ва мазкур шартномада кайд этилган ёрдамчи пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиши, ёрдамчи пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш:

-Молиялаштирилиши жадвалига ва шартнома шартларига биноан, ёрдамчи пудратчига бўнак (аванс) бериш ва молиялаштиришни амалга ошириши:

-Шартнома шартлари буйича олган мажбуриятларни тулик хажмда бажаришни зиммасига олади:

## VI ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

6.1 Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтидан бошлаб кучга киради:

Ёрдамчи пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова)га мувофик биринчи аванс тулови амалга ошириб беради.

6.2 Ёрдамчи пудратчи обьектда тўла таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда тугатиб, обьектни урнатилган тартибда фойдаланишга топширади:

6.3 Мазкур тартнома буйииа ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

7.1 Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига шартнома буйича 2022 йил режанинг умумий киймати **2 468 160 008 (Икки миллиард тўрт юз олтмиш саккиз миллион бир юз олтмиш минг сиккиз )** сўмни **10%** фоиз микдорида аванс маблаг билан молиялаштирилади бу **246 816 000 (Икки юз қирқ олти миллион саккиз юз ўн олти минг)** сумни ташкил килади.

7.2 Бош пудратчи томонидан Ёрдамчи пудратчини жорий молиялаштириш, ёрдамчи пудратчи томонидан бажарилган курилиш-монтаж ишлари босқичма-босқич молиялаштириб борилади.

7.3 Жорий молиялаштириш амалда бажарилган ишларга мувофик (бажарилган ишлар сифати ва хажми текширилгандан кейин), берилган авансни пропационал ушлаб колишни хисобга олган холда, обьектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 95 фоизи микдорида амалга оширилади.

7.4 Ёрдамчи пудратчи бош пудратчига тартнома суммасининг 2 (икки) фоиз микдорида комиссион тўлов мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.5 Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 (беш) фоизини тўлаб бериш Бош пудратчи ва фукаролар томонидан шикоятлар булмаган тактирда обьектни фойдаланишга топширилгандан сунг амалга оширилади.

7.6 Ёрдамчи пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича обьектга мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объект Бош пудратчига топширилгунга қадар обьектнинг тосодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Ёрдамчи пудратчининг зиммасида булади.

## **VIII. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН БУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

8.1 Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

## **IX. КАФОЛАТЛАР**

### **9.1. Ёрдамчи пудратчи:**

барча ишлар тулик хажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган қурилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул килиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

9.2. Иншоот ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб бир ой этиб белгиланади.

9.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланганда, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Ёрдамчи пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

9.4. Аниқланган нуксон ва камчиликлар Ёрдамчи пудратчи ва Бош пудратчи уртасида далолатнома тузилиб, расмийлаттирилади. Ёрдамчи пудратчи нуксон ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, Бош пудратчига бу хакда ёзувларни киритади.

## **X. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ, БЕКОР КИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ**

10.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг узаро келишувига мувофик узгартирилиши ва бекор килиниши мумкин.

10.2. Мазкур тартнома буйича юзага келиши мумкун булган низо ва келишмовчвликлар узаро мухокама йуллари билан хал этилади. Агарда узаро мухокама йули билан хал этиш имкони булмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда Хужалик суди оркали хал этилади.

#### XIV. ТОМОНЛАРПИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ёрдамчи пудратчи»

«Бош пудратчи»

«НЕФТЕГАЗ КМКТ» МЧЖ

Кашкадарё вилояти Карши шахри  
x/p 2020 8000 0047 7994 8001  
«Asia alliance Bank» Карши ф/л  
МФО-01099 ИНН-301194709

«2-Кўприккурилиш отряди» УК

Андижан т. Куйган-ёр ШФЙ, Олтин водий-50  
х/п: 2021 0000 0008 1281 3001  
АТИБ "Ипотека-банк" Мирабод бўлими  
МФО- 00420 ИНН-305 131 126 ОКЭД-42130

«Нефтегаз КМКТ» МЧЖ  
раиси:

С.Т.Каюмов



«2-Кўприккурилиш отряди» УК  
раҳбари:

Турғунов Д.Т.

